



«...» :...
...
...
...
...)

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Абу Хурайра розияллоху анху айтадилар: Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: «Мусулмоннинг мусулмон устида бешта ҳаққи бор: Саломга алиқ олиш, касални бориб кўриш, жанозага қатнашиш, чақирилган жойга бориш, акса урганга (ярҳамукаллоҳ деб) ташмит айтиш».

«...» :...
«...»
... (...)
...)

Имом Муслим Савбон розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Мусулмон киши мусулмон биродарини кўргани борса, то қайтиб келгунига қадар жаннатнинг хурфаси ичида бўлади», дедилар. (Бошқа ривоятда) «Ё Расулуллоҳ, жаннатнинг хурфаси нима?», деб сўралди. «Меваларининг ҳосили», деб жавоб бердилар.

«...» :...
...
...
...)



«Қай бир мусулмон киши бир мусулмонни эрталаб кўргани борса, то кечгача унга етмиш минг фаришта салавот айтиб туради, агар оқшом пайти кўргани борса, то тонггача унга етмиш минг фаришта салавот айтиб туради ва жаннатдаги бир мевазор боғ унга бўлади».

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Алий розияллоҳу анҳу айтадилар: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитдим: «Қай бир мусулмон киши бир мусулмонни эрталаб кўргани борса, то кечгача унга етмиш минг фаришта салавот айтиб туради, агар оқшом пайти кўргани борса, то тонггача унга етмиш минг фаришта салавот айтиб туради ва жаннатдаги бир мевазор боғ унга бўлади».

Шарҳ:

Беморни зиёрат қилиш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тарғиб қилган ишлардан бўлиб, у билан беморнинг синиқ кўнгли кўтарилиб, гўё дардига малҳам бўлади. У мусулмоннинг мусулмон биродари устидаги ҳақларидандир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мазкур ҳадисларида унинг улкан ажру савоблар ҳосил қилувчи амал экани ҳақида ҳам хабар бердилар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Касални зиёрат қилишда ундан кўнгили сўраш ва ҳолидан ибратланиш бор бўлгани туфайли ҳам бу иш суннат амаллардан.
2. Бу мусулмоннинг мусулмон биродари устидаги ҳақларидан.
3. У кўп фазилятли ва савоби улўғ ишлардан.